

ШАРТНОМА 19
(Табиий газ объектини куриш тўғрисида)

Янгийўл т

" 15 " декабр 2021й

Янгийўл туман кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси (кейинги ўринларда "буюртмачи" деб аталади) низом асосида иш олиб борувчи дирекция директори Т.Джанаков, иккинчи томондан "DOSTON SUHROP SAVDO" хусусий корхонаси (кейинги ўринларда) "бажарувчи" деб аталатувчи низом асосида иш олиб борувчи жамият директори лар иштирокида ушбу шартнома куйидагича тузилди.

1.Шартнома мазмун- мақсади, қиймати ва муддати:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 27 октябрдаги 657 сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2020 йил 11 ноябрдаги 507 сонли ҳамда Янгийўл туман ҳокимининг 2019 йил 5 июлдаги 2907-сонли қарорларига асосан "Янгийўл тумани Тинчлик массивида ташкил этилган кичик саноат зонаси худудидаги лойиҳа ташаббускорларини лозим даражадаги коммуникация-муҳандислик инфратузилма объектлари билан таъминлаш яъни табиий газ тармоқлари билан таъминлаш:

1.2. Мазкур шартнома tendir. mc.uz махсус ахборот порталининг 2021 йил 17 ноябр кундаги 15814-сонли лотида чоп этилган ва ушбу лотга мувофиқ 2021 йил 14 декабр кундаги № 6095 сон БАЁНига кўра қилиб деб топилган "DOSTON SUHROP SAVDO" хусусий корхонаси билан табиий газ тармоқларининг пудрат ишлари бўйича шартнома тузиш.

1.3. 2021 йил 14 декабр кундаги № 6095 сон БАЁНига кўрсатилган "DOSTON SUHROP SAVDO" хусусий корхонасининг пудрат ишларини амалга ошириш учун таклифига кўра пудрат ишлари **869.910.207** (саккиз юз олтмуш тўққиз миллион тўққиз юз ўн минг икки юз етти)сум деб белгиланди.

-пул ўтказиш тартиби умумий суммасининг дастлаб 30 фоизи ўтказилади қолган пул маблағлари иш тугагандан сўнг яъни объект тўлалигача фойдаланишга қабул қилиниб олингандан сўнг 65 фоизи ўтказиб берилади 5 фоизи кафолат сифатида ушлаб қолиниши (бир йилдан сўнг ушлаб қолинган 5 фоиз сумма бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади) белгиланди.

1.4. Шартноманинг амал қилиш мўттади 2021 йил 31 декабргача

2. Бажарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:


2.1. "Бажарувчи" амалдаги қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун муддат ичида Янгийўл туман Тинчлик массивий худудида ташкил этилган кичик саноат зонаси худудига табиий газ тармоқлари пудрат ишларини "HASAN GAZ-SUV QURILISH" хусусий фирмаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга оширишлигини ўз зиммасига олади.

2.2. "Бажарувчи" мазкур шартномага асосан лозим даражадаги пудрат ишлари бўйича барча техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда ишларни бажаради.

2.3. Пудрат ишлари давомида зарурий хавфсизлик чораларини кўради.

2.4 "Бажарувчи" пудрат ишларини олиб бориш жараёнида кичик саноат зонасидаги тадбиркорларнинг бино иншоотларига зарар етказувчи ҳолатларни олдини олиш чора тадбирларни кўради ҳамда жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.5 "Бажарувчи" пудрат ишларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кафолат беради.



- 2.6. "Бажарувчи" пудрат ишлари тугагандан сўнг ушбу объектни фойдаланишга топшириш жараёни меъёрий хужжатлар асосида топширишни ўз зиммасига олади.
- 2.7. Бажарувчи иш жараёнида буюртмачидан бажарилган ишларни молиялаштириш талаб қилиш.
- 2.8. Бажарувчи объектни фойдаланишга топширилгандан сўнг ўз ишига кафолат бериши билан бирга ушбу объектни 1(бир) йил мобайнида беғараз равишда кўздан кечириш ишларини олиб боради ва носозликлар келиб чиққан тақдирда ўз ҳисобидан бартараф қилиш бўйича амалий чора тадбирларни кўради.
- 2.9. Шартномага мувофиқ барча ҳаракатларни амалдаги қонун ва қонун ости меъёрий хужжатларга асосан ҳаракатларни амалга оширади.
- 2.10. Бажарувчи томон бажарилган пудрат ишларини сифатига ва меъёрий хужжатларга асосанлигига кафолатини олиш билан бир қаторда жавобгарлик масъулиятини ўз зиммасига олади.
- 2.11. Пудрат ишларини яқунлангандан сўнг амалдаги қонун ва қонун ости меъёрий хужжатларда назарда тутилган барча меъёрий хужжатлар билан объектни тўлақонли равишда буюртмачига фойдаланишга топшириш вазифасини ўз зиммасига олади.

3. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- 3.1. "Буюртмачи" "бажарувчи" дан шартномада кўрсатилган табиий газ тармоқлари лойиҳа хужжатларига асосан сифатли ва ўз вақтида бажарилишини "бажарувчи"дан талаб қилиш.
- 3.2. "Бажарувчи" томонидан олиб борилаётган иш ҳажмини сифатини назоратга олади.
- 3.3. Шартномада кўрсатилган пул маблағларини ўз вақтида ўтказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4. Низоларни ҳал қилиш:

- 4.1. Мазкур шартнома шартларини бажариш давомида келиб чиқадиган ёки тарафларни тақлиф ва эътирозлари тарафларнинг ўз аро келишуви асосида ҳал қилинади.
- 4.2. Агарда тарафлар келишувига эриша олмаслиги низоларни ҳал қилиш бўйича Зангиота туманлараро иқтисодий суди томонида ҳал қилиш юзасидан даъво ариза киритиш йўли билан амалга оширилиши белгиланди.

5. Якуни қоидалар:

- 5.1. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Бажарувчи		Буюртмачи
<p>"DOSTON SUHROP SAVDO" хусусий корхонаси Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тум. Кумовул МФЙ Зиёли кўчаси 20 уй х/р 20208000104749624001 МФО 00986 ИНН 301034763 АТБ Турон банк Миробол филиали Тел 98 33 59 00 Директор Раҳмонов</p>		<p>Янгийўл туман кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси Янгийул тумани Гулбахор МФЙ Ш.Рашидов кўчаси 1-уй х/р 23402000300100001010 ИНН 308462718 МФО 00014 РКСГУ ЦБ г.Ташкент 400122860272597049990018001 Г.Джанакор</p>

